

ОЛТИНКЎЛ РАЙОНИДА ЖАМОАЛАШТИРИШ ВА ҚАТАҒОН ҚИЛИНГАН ЮРТДОШЛАР ТАҚДИРИ

Турғунов Асилбек Улуғбек ўғли
Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги
Андижон давлат университети
2-курс магистранти
+998 97 994 30 65
9943065@gmail.com

Аннотация:

Жамоалаштириш, қулоқ қилиш сиёсати, қатағон, мустақиллик даврида олтинкўллик қатағон қилинганлар юртдошлар номларининг оқланиши.

Калит сўзлар:

“Правда” газетаси, “Буюк бурилиш йили” мақоласи, “25 мингчилар”, ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси), “Учлик”

COLLECTIVIZATION AND THE FATE OF THE OPPRESSED IN THE ALTYNKUL DISTRICT

Turgunov Asilbek Ulugbek oglu
Named after Zahiruddin Muhammad Babur
Andijan State University
2nd year undergraduate
+998 97 994 30 65
9943065@gmail.com

Abstract:

Collectivization, listening policy, repression, justification of the names of compatriots who were persecuted during the independence.

Keywords:

Pravda newspaper, article “Year of the Great Turn”, “25 thousand people”, OGPU (United States Political Department), “Trinity”

Бутуниттифоқ негизда қишлоқ хўжалигини социалистик асосда ўзгартириш истиқболларига ёндашиш жараёнида коммунистик тузум тарафдорлари йирик қишлоқ жамоа корхонаси яқка деҳқон хўжалигидан яхшироқ, деган ғояга асосланиб иш кўришни маъқул деб топдилар. Бунинг асосий боиси, аграр муносабатларнинг жамоа тизими юртимиздаги кўпсонли деҳқон хўжаликларини бошқаришни осон ва қулай тизимга солиш, шунингдек, “майда буржуача” элементлар билан “ёт унсурларга берилган” деҳқонларни социалистик йўлга солишни тезлаштиради, деган ғояни коммунистик мафкура тарафдорлари ўз олдиларига мақсад қилган эди. Шундай қилиб, советлар мамлакатда кооперацияларни барча турлари ва соҳалари бўйича ривожлантириш сиёсатини ёппасига жамоалаштириш йўли билан алмаштирди. Бу, албатта, Марказнинг “юқоридан белгилаш” йўли билан амалга оширилди.

Улуғ “дохий” Сталиннинг 1929 йил 7 ноябрда “Правда” газетасида нашр этилган “Буюк бурилиш йили” номли мақоласида қишлоқ оммаси жамоа хўжаликларига кириш учун етилди, дея кўрсатилган эди. Шундан сўнг бутун мамлакатда деҳқон хўжаликларини жамоалаштириш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилди. Ўзбекистон ССРда коллективлаштиришни

иккинчи беш йилликда тугаллаш мўлжалланган эди. Лекин советлар бу жараёни эртароқ тугаллашни маъқул топди ҳамда шошма-шошарлик билан олиб борди.

1930 йилнинг 18 февралда Андижон округи ижроия комитети «Андижон округидаги ёппасига коллективлаштириш районларида ташкилий-амалий ишлар тўғрисида» қарор қабул қилади. Унда коллективлаштириш ўтказиш белгиланган районларда юқоридан белгилаб берилган кўрсатмаларни бажариш зарурлиги ва уни белгиланган муддатда бажариш чора тадбирлари кўрсатиб ўтилган эди.

Андижон округининг районлари қатори Олтинкўлда ҳам бутун диққат-эътибор коллективлаштиришга қаратилди. Қишлоқ аҳолисини колхозларга киришга ташвиқ қилиш учун ишчилар синфи ҳам жалб қилинди. Ўзбекистонга Россиянинг марказий районларидан 437 ишчи юборилди, улар билан биргаликда маҳаллий ишчилар синфи ўз сафларидан 263 кишини сафарбар қилди. Фарғона водийсини оталиққа олган Иваново-Вознесенский ишчилари ўз бригадаларини Фарғона ва Андижон округларига юбордилар. “25 мингчилар” дан Андижон округига 33 киши келган.

1930 йил февраль ойида Олтинкўл райони ҳам ёппасига коллективлаштириш районлари қаторига киритилди. Коллективлаштиришни бундай сунъий тарзда кучайтириш, деҳқонларга куч ишлатиш, мажбурлаш натижасида 1930 йил ўрталарига келиб Олтинкўл районида колхозларнинг сони 8 тага етди.

Бундай зўравонликларнинг ортиб бориши табиий равишда халқнинг норозилигини келтириб чиқариши муқаррар эди. ОГПУ (Бирлашган давлат сиёсий бошқармаси) органларининг 1930-1934 йиллардаги информацион материаллари ўз даврининг сиёсий манзарасини аниқ акс эттирган. Уларда Сталин бошчилигидаги раҳбариятнинг мамлакатнинг асосий аҳолиси бўлган деҳқонларга нисбатан қатағон сиёсати яққол ўз ифодасини топган.

ОГПУнинг 1930 йилдаги махфий хисоботларида деҳқон хўжаликларини оммавий қатағон қилиш – қулоқлаштириш масаласи ҳам диққат марказида турган. Бинобарин, ОГПУнинг 1930 йил 11 январдаги №771 сонли директиваси «қулоқлар»га ялпи зарба беришга қаратилган тадбирларнинг муқаддимаси бўлганди.

Олтинкўлда ҳам жамоалаштириш сиёсати “қулоқ” қилиш билан бирга олиб борилди. Хусусан, 1937 йил ёзида Ўзбекистон ССР ички ишлар халқ комиссарлиги ҳузуридаги “учлик” йиғилишида 1865 йил Олтинкўл райони Жалабек қишлоқ совети, Темирхўжа қишлоғидан бўлган Соҳибжамолов Мадамин доимий равишда мағлубиятчилик характеридаги аксилинқилобий тарғибот олиб борганликда айбланиб, 8 йилга меҳнат-тузатув лагерига ҳукм қилинган. Унга қўйилган айблов хулосасида у аввал босмачилик тўдасига ёрдам бергани, собиқ қулоқлиги (1930 йилда қулоқ қилинган, унинг хўжалигида 20 таноб ери, 2 та оти, 2 та буқаси, Жўракул деган чорикори-хизматчиси бўлган) ЖКнинг 80-моддаси билан қамоққа ҳукм қилиниб, Шимолий Қозоғистоннинг Актюбинск вилоятига сургун қилинган.

1898 йил Олтинкўл райони Уйшин қишлоғида туғилган Мамашарип Мадазимов ҳам советларга қарши босмачилик ҳаракатида иштирок этган, 30 нафар милиционернинг дўппосланиши ва отилишида иштирок этган, 1930 йилда жамоалаштириш сиёсатида қарши қўзғалонда иштирокчиси, 1936 йилда колхоз пулини ўзлаштирганликда, колхозчилар орасида аксилинқилобий ташвиқот олиб борганликда, колхоз пахтасини ёқишга ҳаракат қилганликда айбланиб қамоққа олинган, қулоқ қилинган.

Олтинкўллик 1882 йилда туғилган Тўрақулов Аҳматқул ҳам қулоқ қилиниб, босмачилик ҳаракатида, исёнчилар гуруҳининг нолегал йиғинларида қатнашганликда, 1932 йили давлат мажбуриятини бажармаганликда айбланиб, 3 йил қамоққа ҳукм қилинган.

Олтинкўл райони Кўмакай қишлоғидан бўлган, 1893 йилда туғилган Жўрабой Чуманов ҳам собиқ қулоқ қилинганлардан. У ҳам босмачиликда иштирок этганликда айбланиб 1931 йилда 3 йил муддатга қамалган. Лекин қамоқ жазоси меҳнат лагерига алмаштирилган, муддатини ўтамаган, лагердан қочган, кейинчалик савхоз ишчиси сифатида ишлаган.а

Кейинроқ аксилинқилобий қулоқлар гуруҳига раҳбарлик қилганликда, қишлоқ фаолларига қарши террористик ишларни амалга оширишда ҳамда колхозчиларни жамоа хўжаликларидан чиқишга ундаганликда айбланган. Яна бундай мисолларни кўплаб келтириш мумкин.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, совет режими томонидан жамоалаштириш бутун собиқ Иттифоқ халқлари тарихига энг фожиали саҳифа бўлиб кирди. Улар бу фожиани ҳеч қачон, асло ўз қалблари ва хотираларидан чиқармайдилар. Бу фожиа тарихимизнинг энг оғир, қайғули, аламли, ҳасратли, мотамли саҳифасидир. Олтинкўллик юқоридаги юртдошларимиз ҳам мана шу қатағоннинг чин маънодаги қурбони бўлди, десак адашмаган бўламиз. Фақат мустақиллик шарофати билан уларнинг айбсизлиги чинакам исбот қилинди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Шамсутдинов Р., Исҳоқов А. Андижон тарихидан лавҳалар. Т.: 2013
2. Ўзбекистоннинг янги тарихи. Иккинчи китоб. Ўзбекистон совет мустамлакачилиги даврида. Т.: “Шарқ”, 2001
3. Қатағон қурбонлари (1938 йил феврал, сентябрь). Т.: “Шарқ”, 2009
4. Шамсутдинов Р., Акбарова М. Шимолий Қозоғистон сурғунидаги юртдошлар қисмати. Т.: “Шарқ”, 2009.
5. Алимова Д.А., Голованов А.А. Ўзбекистон мустабид совет тузуми даврида: сиёсий ва мафкуравий тазйиқ оқибатлари. –Т.: “Ўзбекистон”, 2000.